

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
**“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ**  
**Кузатув кенгаши мажлисининг**  
**2023 йил 11 октябрдаги**  
**4-сон баённомаси билан**

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi”**  
**акциядорлик жамиятида манфаатлар**  
**тўқнашувини бошқариш тўғрисида**  
**НИЗОМ**

**Тошкент-2023**

## Мундарижа

<b>1-боб. Умумий қоидалар</b> .....	2
<b>2-боб. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг тамойиллари</b> .....	4
<b>3-боб. Ходимларнинг мажбуриятлари ва ваколатлари</b> .....	5
<b>4-боб. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби</b> .....	8
<b>§ 1. Манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг умумий қоидалари</b> .....	8
<b>§ 2. Бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш</b> .....	8
<b>§ 3. Манфаатлар тўқнашувини ҳар йиллик декларация қилиш</b> .....	8
<b>§ 4. Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш факти бўйича декларация тўлдириш</b> .....	9
<b>5-боб. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари</b> .....	9
<b>6-боб. Ахборотнинг конфиденциаллиги</b> .....	11
<b>7-боб. Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар</b> .....	11
<b>8-боб. Яқуний қоидалар</b> .....	12
<b>Номзод/ходим ҳақидаги маълумотнома шакли</b> .....	13
<b>Ишга қабул қилинаётганида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризанинг намунавий шакли</b> .....	15
<b>Ротация/лавозимга тайинланишда ёки йиллик декларацияни тўлдириш вақтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризанинг намунавий шакли</b> .....	18
<b>Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ҳисобга олиш реестри</b> .....	20
<b>Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши факти бўйича хабарнома</b> .....	21

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акцидорлик жамиятида манфаатлар  
тўқнашувини бошқариш тўғрисида  
Низом**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акцидорлик жамиятида (кейинги ўринларда – Жамият) ходимлар манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, унинг олдини олиш ва тартибга солиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом қоидалари Кузатув кенгаши аъзолари, Ички аудит хизмати ходимлари, Корпоратив маслаҳатчи ва корпоратив котиб, Бошқарув аъзолари ҳамда эгаллаб турган лавозими ва бажараётган хизмат ваколатларидан қатъий назар Жамиятнинг барча ходимларига (кейинги ўринларда – ходим) тегишли.

3. Мазкур Низом Жамиятда юзага келган ва юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бошқариш масалаларидаги асосий ички ҳужжат ҳисобланади ва барча ходимлар томонидан сўзсиз риоя қилиниши шарт.

4. Ходимлар томонидан манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ масалалар Жамиятнинг Инсон ресурслари бўйича мутахассис (кейинги ўринларда – HR-мутахассис) томонидан мувофиқлаштириб борилади.

5. Мазкур Низом мақсадлари учун унда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**алоқадор шахслар** – ходим билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга шахслар бундан мустасно. Алоқадор шахсларга қуйидагилар киради:

ходим бўйсунадиган ёки унинг бўйсунувидаги шахслар ёхуд учинчи шахсга ходим билан бирга бўйсунувда бўлган шахслар;

ходим улушига (акция пакетига) эгалик қиладиган тижорат ташкилоти;

ходим эгаллигидаги улушлар (акция пакетлари) мавжуд бўлган тижорат ташкилоти улушларига (акция пакетларига) эгалик қиладиган учинчи шахслар;

ходим улушига (акция пакетига) эгалик қиладиган ва/ёки бошқарув органларида иштирок этадиган, Жамият билан йирик битим тузган ёки тузиши режалаштирилаётган тижорат ташкилотлари ва уларнинг бошқарув ва ижроия органлари аъзолари;

**кронизм** (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва/ёки обрўсидан фойдаланиш;

**манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, шунингдек ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан Жамиятнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

**манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш** – ходим томонидан потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисида эълон қилиш тартиб-таомили;

**манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш** – Жамият томонидан ходимларнинг хизмат мажбуриятлари лозим даражада бажарилмаслиги ҳолати ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви юзага келганда уларнинг манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа манфаатлар) Жамият манфаатларидан устун келиши хавфини камайтириш ёки бартараф этиш;

**махаллийчилик** – маҳаллий манфаатларнигина кўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга кўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

**непотизм** (таниш-билишчилик) – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Жамият манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

**потенциал манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий ва бошқа манфаатлари) муайян вазиятлар юзага келганда, Жамиятнинг манфаатларига зид бўлиши ва ходимлар томонидан хизмат мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган вазият;

**реал манфаатлар тўқнашуви** – ходимнинг, унинг яқин қариндошларининг ва (ёки) Жамият билан боғлиқ бўлган шахснинг шахсий манфаатлари (шу жумладан шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари) Жамият манфаатларига бевосита ёки билвосита зид

бўлган вазият;

**уруғ-аймоқчилик** – ходимнинг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноҳолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

**фаворитизм** – ходим бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига караганда битта шахс ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Жамиятда кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сихатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик;

**ходимнинг шахсий манфаатдорлиги** – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкый, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);

**шафелик** – ходимнинг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши;

**яқин қариндошлар** – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алоқаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда тутинган ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ва тутинган ака-укалари ва опа-сингиллари.

## **2-боб. Манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг тамойиллари**

6. Ходимлар манфаатлар тўқнашувини бошқариш масалаларида куйидаги асосий тамойилларга риоя қилишлари шарт:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

Жамият ва Ягона акциядор манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйиш;

ошкоралик, виждонлилик, холислик асосида қарорлар қабул қилиш;

потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишнинг шартлиги;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича профилактик чораларнинг устуворлиги;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини кўриб чиқиш ва манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда жамоавийликка амал қилиши;

манфаатлар тўқнашуви аломатлари билан тавсифланган вазиятларни кўриб чиқиш, баҳолаш ва ҳал қилишга холис ёндашув;

белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

агар ходим бирон-бир қарор қабул қилишдан аввал ёки ўзига юклатилган функцияларни бажаришдан олдин манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тегишли тартибда хабар берган ҳамда Жамият манфаатлари фойдасига ўз шахсий манфаатларидан воз кечишга тайёр бўлса, уни реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги сабабли ишдан бўшатилишига йўл қўйилмаслиги;

шаффофлик ва ҳисобдорлик;

шахсий жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги.

### **3-боб. Ходимларнинг мажбуриятлари ва ваколатлари**

7. Ходимлар ўзларининг хизмат мажбуриятларини бажаришда ва (ёки) Жамиятнинг манфаатларини ифодалашда ушбу Низомда белгиланган тамойилларга амал қилишлари, шунингдек, манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан ўзларини сақлашлари шарт.

8. Хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун ходимлар:

ушбу Низом талабларига риоя қилиши;

фақат Жамият манфаатларини қўзлаши;

ўз мансаб ва хизмат мавқеидан фақат Жамият манфаатлари йўлида фойдаланиши;

Жамият манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида HR-мутахассис ва Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасини (кейинги ўринларда – Ички назорат тузилмаси) хабардор қилиши;

непотизм (қариндошлик), шафелик, фаворитизм, кронизм, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг намоён бўлишига қатъий чек қўйиши;

потенциал ёки реал манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ ошкор қилиши;

ўзининг яқин қариндошлари ва алоқадор шахслар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини, ўзининг ва уларнинг бошқа тижорат ташкилотларидаги иштироки ҳақидаги маълумотларни ҳалол, тўлиқ

ва виждонан ошкор қилиши;

агарда Жамиятнинг бошқа ходимларида манфаатлар тўқнашуви мавжудлигига оид маълумотга эга бўлган тақдирда белгиланган тартибда HR-мутахассисга хабар бериши шарт.

9. Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида ходим қуйидаги ҳолларда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши керак, агар:

ходимнинг бевосита бўйсунувида яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар бўлса;

Ички аудит хизмати томонидан Жамият таркибий бўлинмасида ўрганиш ўтказилаётганда Ички аудит хизмати ходимининг мазкур бўлинмада яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахслар фаолият юритса ёки белгиланган тартибда фаолияти ўрганилаётган мансабдор шахс Ички аудит хизмати ходимининг яқин қариндоши ва (ёки) алоқадор шахс бўлса;

ходим яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан ходимларга оид (жумладан, иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлаш, мукофотлар, устамаларга тақдим этиш ва уларнинг миқдорини белгилашга) қарорлар қабул қилишда иштирок этса.

Мазкур рўйхат якуний ҳисобланмайди. Ходим яқин қариндошлари ва (ёки) алоқадор шахсларга нисбатан ҳар қандай қарорлар қабул қилиш (преференциялар бериш, маҳсулотлар сотиб олиш ва шу кабилар) ҳолати потенциал манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда, ходим манфаатлар тўқнашуви тўғрисида хабар бериши лозим бўлади.

10. Мазкур Низомнинг 9-бандида қайд этилган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни аниқлаш учун ходим қарор қабул қилиш ёки хизмат мажбуриятларини бажаришдан аввал ўзига қуйидаги саволларни бериши лозим: “Мен қарорни виждонан ва холис қабул қилишим, ҳаракатни амалга оширишим мумкинми?” ва “Агар бу қарорни бошқа ходим қабул қилганда, худди мен қабул қилган қарорни қабул қилган бўлармиди?”. Агар ходим бу саволлардан биттасига бўлса ҳам “Йўқ” деб жавоб берса, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги хатари юзага келади.

11. Жамиятда манфаатлар тўқнашувини аниқлаш борасида қуйидагилар амалга оширилади:

ходимларни ишга қабул қилиш ёки лавозимга тайинлашда, шунингдек бошқа ҳолатларда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарувчи ахборот жамланади;

ҳар бир ходим мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажаришида юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви ҳолатини

аниқлайди ҳамда HR-мутахассисга хабар беради;

манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳар бир маълумот ёки хабар коллегиял тартибда ўрганилиб, унинг таъсири аниқланади. Қонун ҳужжатлари талаблари доирасида манфаатлар тўқнашувини аниқлашнинг бошқа усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

12. Манфаатлар тўқнашуви қуйидагича бошқарилади:

ходимларни ишга қабул қилишда уларга мазкур Низом талаблари имзо қўйдирилган ҳолда таништирилади;

Низом талаблари бўйича ходимларга тушунтириш ва маслаҳатлар бериш ишлари олиб борилади;

аниқланган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари рўйхатга олиб борилади;

манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ўрганиш, уларга баҳо бериш ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чораларни белгилаш HR-мутахассис томонидан амалга оширилади;

манфаатлар тўқнашувини олдини олиш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида кузатиш ҳамда мониторинг амалга оширилади.

Манфаатлар тўқнашувини бошқаришда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар ҳам қўлланилиши мумкин.

13. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда қуйидаги чоралар қўрилиши мумкин:

ходимнинг тегишли фаолиятни амалга оширишда ёки қарор қабул қилишда ихтиёрий равишда иштирок этмаслиги ёки четлашишига рухсат бериш;

ходимнинг лавозим вазифаларини қўриб чиқиш ёки унга ўзгартириш киритиш;

ходимнинг шахсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган маълумотларга чекловлар ўрнатиш;

ходимнинг шахсий манфаатлари унинг лавозим мажбуриятларига зид бўлса, уни манфаатлар тўқнашуви таъсир этмайдиган бошқа лавозимга ўтказиш;

ходимнинг Жамият фаолиятига ёки манфаатларига салбий таъсир этувчи ўзининг шахсий манфаатларидан воз кечиши;

ходимнинг шахсий манфаатлари Жамият фаолиятига ёки манфаатларига зид бўлса ҳамда уни бошқаришнинг бошқа чораларини қўллаш имкони бўлмаса ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш.



#### **4-боб. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш ва кўриб чиқиш тартиби**

##### **§ 1. Манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг умумий қоидалари**

14. Жамиятда манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари келиб чиқишини олдини олиш манфаатлар тўқнашувини декларация қилишнинг қуйидаги шаклларида фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

Жамият тизимида вакант бўлган бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда ошкор қилиш;

манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ҳар йил ошкор қилиш (йиллик декларация);

реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви юзага келиш факти бўйича маълумотларни ошкор қилиш.

##### **§ 2. Бўш иш жойларига номзодларни лавозимга тайинлаш ва ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш**

15. Жамият тизимида бўш иш жойларига номзодларни, ходимларни лавозимга тайинлаш ва уларни ротация қилишда манфаатлар тўқнашувини дастлабки тарзда декларация қилиш HR-мутахассисга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан амалга оширилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича тўлдирилган маълумотнома;

ишга қабул қилиш, лавозимга тайинлаш ва ротация қилиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисида мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклдаги ариза тўлдирилади.

Ходим томонидан тақдим этилган ҳужжатлар HR-мутахассис томонидан уларда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича текширилади. Манфаатлар тўқнашуви аниқланганида HR-мутахассис Бошқарув раисини хабардор қилади.

Бошқарув раиси кўрсатмасига асосан HR-мутахассис Жамиятдаги тегишли бўлинмалар билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чораларини кўради.

##### **§ 3. Манфаатлар тўқнашувини ҳар йиллик декларация қилиш**

16. Манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ҳар йили декларация қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ходимлар ҳар йили 15 февралгача мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақидаги аризани тўлиқ ва тўғри тўлдиришлари ва тўлдирилган аризани

HR-мутахассисга тақдим қилишлари лозим;

HR-мутахассис 10 мартгача манфаатлар тўқнашуви мавжудлигини кўрсатган ходимларни аниқлаш учун манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақида олинган аризаларни таҳлил қилади;

таҳлил натижасида фаолиятида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимлар аниқланса, бундай ходимлар ҳақидаги маълумот Одоб-ахлоқ комиссиясига тақдим қилинади;

Одоб-ахлоқ комиссияси ходимнинг бевосита раҳбари ва (зарурат бўлганда) ходим иштирокида 20 мартгача манфаатлар тўқнашуви ҳолатини кўриб чиқади ва манфаатлар тўқнашуви билан тавсифланадиган вазиятларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида қарор чиқаради. Мазкур қарор комиссия баённомасига киритилади. Баённомада чора-тадбирларни ишлаб чиқишга масъул мансабдор шахс белгилаб қўйилади;

HR-мутахассис 25 мартгача мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ҳисобга олиш реестрига (кейинги ўринларда – Реестр) киритиладиган манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги электрон маълумотларни жамлайди ва сақлайди;

ҳар йили I чорақда HR-мутахассис манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш, аниқлаш ва ҳал қилиш бўйича статистика таҳлилини Ички назорат тузилмаси ва Бошқарув раисига киритади.

#### **§ 4. Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш факти бўйича декларация тўлдириш**

17. Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиши факти бўйича маълумотларни декларация қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ходимда манфаатлар тўқнашуви келиб чиққанда, у мазкур ҳолат унга маълум бўлган пайтдан бошлаб бир иш куни ичида бу ҳақда бевосита раҳбарига ва HR-мутахассисга реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви сифатида тавсифланадиган ҳолатни батафсил баён этган ҳолда, мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда хабар бериши лозим;

HR-мутахассис хабарномани рўйхатга олади, ходимнинг бевосита раҳбари билан ҳамкорликда манфаатлар тўқнашувини баратараф этиш чораларини кўради ёки манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслиги ҳақида хулоса тайёрлаб, Ички назорат тузилмаси ва Бошқарув раисига ёзма шаклда тегишли маълумот киритилади.

#### **5-боб. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари**

18. Жамият манфаатларининг бузилишини олдини олиш мақсадида реал

манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш чоралари имкон қадар тезроқ амалга оширилиши лозим.

19. Жамиятда манфаатлар тўқнашувларини бошқаришда қуйидаги чоралар белгиланиши керак:

бевосита бўйсунадиган ходимни яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахс бўйсунувига ўтказиш;

манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган масалаларни муҳокама қилишда ва улар бўйича қарор чиқариш жараёнида қатнашишдан ходимнинг ўз ихтиёрига кўра четлашиш, ўзини ўзи рад этиши ёки уни мажбуран (доимий ёки вақтинча) четлаштирилиши;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик учун ходимнинг лавозим мажбуриятлари доирасини қайта кўриб чиқиш;

ходим томонидан унинг шахсий манфаатдорлиги бўлган ва манфаатлар тўқнашуви предмети бўлган Жамиятнинг маълумотлари ва ҳужжатларидан фойдаланилишини чеклаш;

юқорида лавозимни эгаллаб турган яқин қариндош ва (ёки) алоқадор шахсга нисбатан лавозимни кўтариш, фаолиятини баҳолаш, мукофот пулларини тўлаш ва иш ҳақига устамаларни ҳисоблаш, ўқишга ва тренингларга ҳамда турли масалалар бўйича хорижга юбориш, меҳнат таътилига чиқишга розилик бериш ва иш ҳақини назорат қилиш ҳақида жамоавий тарзда қарор қабул қилилишини таъминлаш;

ходимни манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ бўлмаган меҳнатга оид функцияларни бажарилишини назарда тутадиган лавозимга ўтказиш ва бошқа ҳолатлар.

Истисно ҳолатларда, юқорида санаб ўтилган чоралар манфаатлар тўқнашувини тўлиқ тартибга солмаган тақдирда, қуйидаги тартибга солиш чоралари кўрилиши мумкин:

ходим томонидан Жамиятнинг манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечиши;

ходим томонидан Жамият манфаатларига тўқнаш келадиган шахсий манфаатдорлигидан воз кечмаганда унинг меҳнат шартномасини бекор қилиш.

20. Ҳар бир вазиятда, манфаатлар тўқнашуви предметини белгилаб берадиган фактдан келиб чиқиб, ходим билан Жамиятнинг келишувига кўра уни ҳал қилишнинг бошқа чоралари қўлланилиши мумкин. Кўриладиган барча чоралар қонунчилик талабларига мувофиқ бўлиши ва мазкур Низомда белгиланган тамойилларни амалга оширишни таъминлаши лозим.

21. HR-мутахассис ва ходимнинг бевосита раҳбари томонидан

манфаатлар тўқнашувини баратараф этиш чоралари ва қабул қилинган қарорлар Одоб-ахлоқ комиссиясининг энг яқиндаги йиғилишида кўриб чиқилиб, бу ҳақда мажлис баённомасида акс эттирилади.

22. Ички назорат тузилмаси ходим эътирозига ёки Бошқарув раиси топшириғи, шунингдек ўз ташаббуси билан HR-мутахассис ва ходимнинг бевосита раҳбари, шунингдек одоб-ахлоқ комиссияси томонидан манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги, холислиги ва мақбуллигини текшириш ҳуқуқига эга.

### **6-боб. Ахборотнинг конфиденциаллиги**

23. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишда қатнашадиган ходимлар (HR-мутахассис, ходимнинг бевосита раҳбари, одоб-ахлоқ комиссияси аъзолари, Ички назорат тузилмаси ходими ва б.) олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши ва ушбу маълумотлардан фақат кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда ушбу жараёни назорат қилиш учун масъул бўлган шахслар томонидан фойдаланилишини таъминлаши лозим.

24. Жисмоний ва юридик шахслар Жамият ходимларида манфаатлар тўқнашуви факти ёки гумони ҳақидаги хабар билан Жамиятга мурожаат қилганида, ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш Ички назорат тузилмаси томонидан HR-мутахассис билан ҳамкорликда мазкур Низом ва бошқа ички норматив ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

### **7-боб. Реестрни юритиш ва сақлашга қўйиладиган талаблар**

25. HR-мутахассис манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобини Реестрга киритиш йўли билан ўз вақтида ва тўлиқ юритиши шарт.

Реестр маълумотлари Ички назорат тузилмасига ҳар чоракда тақдим этиб борилади.

26. Маълумотлар Реестрга қуйидаги ҳолларда киритилиши керак:

Жамиятга ишга қабул қилишда – номзод манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги ҳақида аризада манфаатлар тўқнашувининг мавжудлигини кўрсатган бўлса ва Бошқарув раиси манфаатлар тўқнашуви келиб чиқиши мумкинлиги фактини тасдиқласа;

лавозимга тайинлаш/ротация қилиш вақтида манфаатлар тўқнашувини ошкор қилишда – Бошқарув раиси томонидан буйруқ имзоланган пайдан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан;

манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишига кўра – HR-мутахассис ва ходимнинг бевосита раҳбари томонидан чора кўрилган тақдирда;

Жамият ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотлар ҳар йили декларация қилинганда – мазкур Низомнинг 17-бандига

мувофик;

манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги ҳақидаги алоқа каналларидан олинган маълумот текширилганда, шунингдек ички хизмат текшируви натижасида манфаатлар тўнашуви факти тасдиқланганда;

Кузатув кенгаши раиси ёки Бошқарув раиси томонидан Реестрга маълумот киритиш ҳақида бевосита кўрсатма берилганида.

27. Ходимларнинг манфаатлар тўқнашувига тегишли бўлган ариза ва хабарномалари ҳамда бошқа маълумотлар HR-мутахассисда сақланади.

### **8-боб. Яқуний қоидалар**

28. Эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, барча ходимлар, ушбу Низомнинг талабларига риоя қилиш, шунингдек, ўз манфаатларининг тўқнашуви тўғрисида Жамиятга ўз вақтида ва тўлиқ маълумот бериш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланади.

29. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.


**Номзод/ходим ҳақидаги маълумотнома  
ШАКЛИ**

**МАЪЛУМОТНОМА  
Ф.И.Ш. (тўлиқ)**

202\_\_ йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ дан буён  
(охирги иш жойида иш бошлаган санаси)

\_\_\_\_\_

(охирги эгаллаган лавозими)



**Туғилган санаси:**

\_\_\_\_\_

**Туғилган жойи:**

\_\_\_\_\_

**Миллати:**

\_\_\_\_\_

**Партиявийлиги:**

\_\_\_\_\_

**Маълумоти:**

\_\_\_\_\_

**Тугатган:**

\_\_\_\_\_

**Таълим мутахассислиги:**

\_\_\_\_\_

**Илмий даражаси:**

\_\_\_\_\_

**Илмий унвони:**

\_\_\_\_\_

**Қандай чет тилларини билади:**

\_\_\_\_\_

**Ҳарбий (махсус) унвони:**

\_\_\_\_\_

**Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қандай):** \_\_\_\_\_

**Халқ депутатлари республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими  
ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим):**

\_\_\_\_\_

**МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ**

яқин қариндошлари тўғрисида

(Ф.И.Ш. тўлиқ)

### МАЪЛУМОТ

Қариндошлик даражаси	Фамилияси, исми, шарифи	Туғилган санаси ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Яшаш манзили

яқин қариндошлари устав капиталида

(Ф.И.Ш. тўлиқ)

улушга эга ёки бошқарувида иштирок этаётган юридик шахсларга доир  
МАЪЛУМОТЛАР

Юридик шахс номи, рўйхатдан ўтган рақами	Эгалик субъекти ва қариндошлик	Эгалик улуши/ бошқарувдаги роли	Юридик шахснинг асосий фаолият тури

Тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этаётган  
(Ф.И.Ш тўлиқ) ва унга алоқадор шахсларга\* доир  
МАЪЛУМОТЛАР

Тижорат ташкилоти номи, рўйхатдан ўтган рақами	Эгалик улуши

\* Алоқадор шахслар рўйхати ходим устав капиталида иштирок этаётган ташкилот ҳақидаги очиқ манбалардан олинади.

**Ишга қабул қилинаётганида манфаатлар тўқнашуви  
мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги аризанинг  
НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

(Ф.И.Ш. тўлиқ)

Номзод даъвогарлик қилаётган  
таркибий бўлинма номи \_\_\_\_\_  
Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим \_\_\_\_\_  
Тўлдирилган сана \_\_\_\_\_

1.	Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Жамиятда ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг <i>(агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг).</i>
	<b>Ҳа / Йўқ</b>
	<i>Изоҳлар:</i>
2.	Бошқарув органи (бошқарув, кузатув кенгаши, директорлар кенгаши ва ҳ.к.) ходими, аъзоси, қандайдир ташкилот директори ёки вакилимисиз? Жавоб бераётганингизда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкӣ шакли, шунингдек мазкур ташкилотлардан қандайдир компенсация олишингиздан қатъий назар ҳар қандай ташкилот, тижорат ва нотижорат ташкилотларидаги ўрнингизни ҳисобга олинг. <i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва улардаги ўрнингиз (лавзоимингиз)ни кўрсатиб ўтинг.</i>
	<b>Ҳа / Йўқ</b>
	<i>Изоҳлар:</i>



3.	<p>Сизда/яқин қариндошларингизда қандайдир ташкилотларда қандайдир молиявий манфаатдорлиги борми (жумладан, устав капиталида иштирок этиш, акция ва облигацияларга эгалик қилиш) ёки Сиз бошқа тарзда бундай ташкилотлар қарорларига таъсир кўрсата оласизми? (агар сиз ҳар қандай ташкилотнинг оммавий муомаллада бўлмаган акциялари ёки устав капиталидаги улуши ёки ҳар қандай ташкилотнинг Республика фонд биржаси ёки бошқа фонд биржасининг оммавий муомаласида бўлган қимматбаҳо қоғозларининг 5 ва ундан кўп фоизига эгалик қилсангиз)</p> <p><i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини белгиланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, «Изоҳлар» сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва Сизнинг улардаги манфаатингиз тури устав капиталидаги иштирокингиз улуши, акцияларга эгалик қилиш ва ҳ.к ларни кўрсатиб ўтинг.)</i></p>
	Ҳа / Йўқ
	Изоҳлар:
4.	<p>Яқин қариндошларингиз ва/ёки сизга алоқадор шахслар давлат органлари ва ташкилотларида, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида муассасаларида ишлайдими?</p> <p><i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини белгиланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, «Изоҳлар» сатрида бундай қариндош(лар), алоқадор шахс (лар)нинг ФИШ, унинг (уларнинг) лавозими ва бўлинмаси/бўлими/бошқармасини қайд этган ҳолда аниқ иш жойини кўрсатиб ўтинг.)</i></p>
5.	Ҳа / Йўқ
	Изоҳлар:
6.	<p>Яқин қариндошларингиз бошқарув органлари (бошқарув, кузатув кенгаши, директорлар кенгаши ва ҳ.к.) ходими, аъзоси, ташкилот директори ёки вакилими? Жавоб бераётганингизда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкӣ шакли, шунингдек мазкур ташкилотлардан қандайдир компенсация олишидан қатъий назар уларнинг ҳар қандай ташкилот, тижорат ва нотижорат ташкилотларидаги ўрнини ҳисобга олинг.</p> <p><i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида барча тегишли ташкилотлар номи ва яқин қариндошингизнинг улардаги ўрни (лавзоимлари)ни кўрсатиб ўтинг.)</i></p>
	Ҳа / Йўқ
	Изоҳлар:
7.	<p>Яқин қариндошларингиз давлат органларининг мансабдор шахси ҳисобланадими?</p>

	<i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида <u>бундай қариндошингиз (ларингиз)нинг ФИШ), унинг (уларнинг) лавозими ва ташкилот номини кўрсатиб ўтинг.)</u></i>
	<b>Ҳа / Йўқ</b>
	<i>Изоҳлар:</i>
8.	Шахсий манфаатларингиз, яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар манфаатлари йўлида махфий ҳисобланган, давлат органлари ва ташкилотларида ишлаш давомида маълум бўлган ахборотдан фойдаланганмисиз (жумладан, қандайдир жисмоний шахс ёки ташкилотга ошкор қилганмисиз)? <i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)</i>
	<b>Ҳа / Йўқ</b>
	<i>Изоҳлар:</i>
9.	Манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитлар мавжуд бўлса, уларни кўрсатиб ўтинг
	<i>Изоҳлар:</i>
	Зарур топсангиз, ҳар қандай қўшимча маълумотни кўрсатинг
	<i>Изоҳлар:</i>

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).
- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.
- Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиладиган **янги ҳолатлар тўғрисида** Жамиятга дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(сана)

**Ротация/лавозимга тайинланишда ёки йиллик декларацияни  
 тўлдириш вақтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд  
 эмаслиги тўғрисидаги аризанинг  
 НАМУНАВИЙ ШАКЛИ**

Ф.И.Ш (тўлик)	
Номзод даъвогарлик қилаётган таркибий бўлинма номи	
Номзод даъвогарлик қилаётган лавозим	
Тўлдирилган сана	
<p>Ушбу аризада қуйидаги атамалар қўлланилади:</p> <p><b>яқин қариндошлар</b> – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, бобо, буви, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўғай ака-ука ва опа-сингиллари.</p> <p><b>алоқадор шахслар</b> – Жамият ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акцидорлик жамиятларининг беш фоиздан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;</p> <p><b>манфаатлар тўқнашуви</b> – Жамият ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;</p> <p><b>ходимнинг шахсий манфаатдорлиги</b> – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш доирасида унинг яқин қариндоши ёки ходимга алоқадор бўлган шахслар томонидан ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий қийматликлар, бошқа мол-мулк, бойлик ва имтиёзлар кўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, мулкӣ, молиявий, сиёсий ва бошқа манфаатлари);</p>	
1	Агар сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар Жамиятда ишлаётган бўлса, уларнинг лавозимини ва таркибий бўлинмасини кўрсатинг ( <i>агар улар ишламаса, “йўқ” деб ёзинг</i> ).

2	Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этса (якка тартибдаги тадбиркорлар бўлса), сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? <i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).</i>
3	Агар сиз, сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар бошқа тижорат ташкилотларини бошқаришда қатнашса, сизнинг эгаллаб турган лавозимингиз манфаатлар тўқнашувига олиб келади деб ўйлайсизми? <i>(агар иштирок этса уларни кўрсатинг, иштирок этмаса, “иштирок этмайди”, агар у манфаатлар тўқнашувига олиб келса сабабини кўрсатинг, олиб келмаса, “олиб келмайди” деб кўрсатинг).</i>
4	Сизнинг яқин қариндошларингиз ёки алоқадор шахслар давлат идораларида ва ташкилотларида ишлайдими? Агар жавоб “ҳа” бўлса қайси ташкилотлигини, лавозимини кўрсатинг.
5	Сизга Ташкилот ходимлари томонидан унинг этика ва коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид ички ҳужжатларини бузиш ёки эҳтимолий бузиш билан боғлиқ ҳолатлар маълумми? <i>(Изоҳ: «Ҳа» ёки «Йўқ» жавобларини танланг; агар жавобингиз «Ҳа» бўлса, изоҳлар сатрида бу ҳақида батафсил ёзинг)</i>
6	Лозим деб топсангиз қўшимча маълумотларни кўрсатинг.

Ушбу аризани имзолаб, қуйидагиларни тасдиқлайман:

- Менда манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ҳолатлар мавжуд/мавжуд эмас (тегишли жавобнинг тагини чизинг).
- Мен ушбу аризада акс этган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигига ҳамда мен ушбу маълумотларни тегишли ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан текширилишига розилик билдираман.
- Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Низом талабларига биноан, мен тўлдирган ҳар қандай аризани ҳаққонийлигига таъсир қиладиган **янги ҳолатлар тўғрисида** Жамиятга дарҳол хабар бериш мажбуриятини оламан.

\_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(сана)

### Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ҳисобга олиш РЕЕСТРИ

Т/р	Маълумот олинган сана	Манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлган ходимнинг Ф.И.Ш	Жамият таркибий тузилмаси ва ходимнинг лавозими	Манфаатлар тўқнашуви предмети	Манфаатлар тўқнашувининг тури (ҳақиқий ёки потенциал)	Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича чоралар	Одоб-ахлоқ комиссия йиғилиш баённомаси рақами ва санаси, HR-мутахассис томонидан қабул қилинган қарор реквизитлари	Белгиланган чораларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш бўйича масъул шахс
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1								
2								
3								
::								

“UzAssets investitsiya kompaniyasi”  
акцидорлик жамиятида манфаатлар  
тўқнашувини бошқариш тўғрисида Низомга  
5-илова

\_\_\_\_\_ га  
(бевосита раҳбарнинг Ф.И.Ш. тўлиқ)

\_\_\_\_\_ га  
(HR-мутахассис Ф.И.Ш. тўлиқ)

\_\_\_\_\_ дан  
(ходим Ф.И.Ш. тўлиқ)

\_\_\_\_\_ (ходимнинг алоқа телефон рақами)

**Реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг  
келиб чиқиши факти бўйича  
Х А Б А Р Н О М А**

Жамиятнинг 202\_\_\_\_\_ йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги “\_\_\_\_\_”-сон  
буйруғига асосан мен,

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш, лавозими)

сизга манфаатлар тўқнашувининг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида қуйидагиларни  
хабар қиламан: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

*(Шахсий манфаатлар (тўғридан-тўғри ёки билвосита) хизмат вазифаларини  
бажаришига таъсир қилаётган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий  
манфаати билан Жамиятнинг манфаатларига зид келиши мумкин бўлган вазият  
тасвирланиши лозим)*

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (сана)

**Ходимнинг бевосита раҳбари томонидан тўлдирилади**

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун қуйидаги чоралар таклиф  
қилинади: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ (манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш учун қўрилган чоралар кўрсатилади)

\_\_\_\_\_ (раҳбарнинг Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (сана)